



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI BUXORO VILOYATI HOKIMINING QARORI

200118. Buxoro viloyati, Buxoro shahri, I.Mo‘minov ko‘chasi 1-uy. Tel.:(365) 224-34-85, Faks: 223-05-95 e-mail:
info@buxoro.uz, buxoro@exat.uz

2021 - yil 23 - noyabr

158-2-0-Q/21

Buxoro viloyati hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 ноябрдаги ПҚ-13-сонли ““Ғиждувон” эркин иқтисодий зонаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш хақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 ноябрдаги ПҚ-13-сонли ““Ғиждувон” эркин иқтисодий зонаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 ноябрдаги ПҚ-13-сонли ““Ғиждувон” эркин иқтисодий зонаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4931-сон Фармони билан ташкил этилган “Ғиждувон” эркин иқтисодий зонасининг (кейинги ўринларда – “Ғиждувон” ЭИЗ) фаолиятини кенгайтириш ҳамда Бухоро вилоятида қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш мақсадида:

Бухоро вилояти ҳокимлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг:

Пешку ва Қоровулбозор туманлари ҳудудида ушбу қарорга иловада келтирилган 100 гектардан, жами 200 гектар бўш турган ер участкаларини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан бошқа ер тоифасига ўтказиш;

ушбу қарорга иловада келтирилган ер участкаларини белгиланган тартибда давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказган ҳолда, “Ғиждувон” ЭИЗ дирекциясига

доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиш орқали “Ғиждувон” ЭИЗ ҳудудини кенгайтириш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинганлиги;

“Ғиждувон” ЭИЗнинг янги ҳудудларида устувор равишда қурилиш саноатини ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳалар амалга оширилиши белгиланганлиги;

“Ғиждувон” ЭИЗнинг бош режасини ишлаб чиқишда Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмачи этиб белгиланганлиги;

Бухоро вилоятининг маҳаллий бюджети маблағлари, шунингдек, қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа манбалар “Ғиждувон” ЭИЗнинг бош режасини ишлаб чиқишни молиялаштириш манбалари бўлиб ҳисобланиши;

“Ғиждувон” ЭИЗнинг бош режасини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳачи ва пудратчи ташкилотлар танлов асосида аниқланиши;

“Ғиждувон” ЭИЗнинг йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги “Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5101-сон қарори билан Бухоро вилоятига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилиши;

“Ғиждувон” ЭИЗнинг ҳудудида, шу жумладан янги ташкил этиладиган ҳудудларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларини ажратиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5600-сон Фармонида мувофиқ электрон онлайн-аукцион орқали амалга оширилиши;

“Ғиждувон” ЭИЗга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу қарори 1-бандида назарда тутилган ер майдонлари ажратилиши билан боғлиқ қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш бўйича тўланадиган компенсация тўловлари, истисно тариқасида ундирилмаслиги инобатга олинсин.

3. Вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (С.Саидов), вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси (Ф.Жаллиев)га 2022 йилнинг 15 февралига қадар “Ғиждувон” ЭИЗнинг янги ҳудудлари бош режасини белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини таъминлаб, тасдиқлаш учун вилоят эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий Кенгашига киритиш топширилсин.

4. Вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармаси (Б.Адилов)га вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига “Ғиждувон” ЭИЗнинг янги ҳудудлари бош режасини ишлаб чиқиш учун талаб қилинадиган маблағларни

белгиланган тартибда маҳаллий бюджет маблағлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ажратилишини таъминлаш топширилсин.

5. Вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Назаровга қишлоқ хўжалиги бошқармаси (А.Жаводов) билан биргаликда “Ғиждувон” ЭИЗ лойиҳаларини жойлаштириш учун ажратилаётган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларига тенг миқдорда янги ерларни ўзлаштириш чораларини кўриш топширилсин.

6. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Н.Ҳамдамовга “Худудгазтаъминот” АЖ вилоят худудий филиали (Ў.Абдиев), “Худудий электр тармоқлари” АЖ вилоят худудий филиали (Б.Ҳаётов), “Бухоросувтаъминот” МЧЖ (Ш.Садиллаев), Бухоро худудий автомобил йўллари бош бошқармаси (Ш.Абдуллаев) билан биргаликда “Ғиждувон” ЭИЗ худудидagi инвестиция лойиҳаларининг объектлари фойдаланишга топширилгунга қадар зарур муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши, мавжуд ресурс ва техник имкониятлардан келиб чиқиб, уларга талаб этиладиган ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси етказиб берилишини таъминлаш топширилсин.

7. Вилоят ҳокимининг ўринбосари - Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи Р.Асадовга “Ғиждувон” ЭИЗ дирекцияси (О.Қазоқов) билан биргаликда:

бир ой муддатда вилоятда аукцион савдоларига чиқариладиган норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкалари рўйхатини;

вилоятда 2021-2023 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўналишида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхатини;

вилоятда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўналишида амалга оширилиши тақлиф этилаётган истиқболли инвестиция лойиҳаларининг портфелини шакллантириш;

“Ғиждувон” ЭИЗга ўтказилаётган худудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини яратиш;

уч ой муддатда “Ғиждувон” ЭИЗни бошқа туманларда кенгайтириш юзасидан тегишли ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори ижроси юзасидан амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида 2022 йилнинг 1 февраль ва 1 июль санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиш топширилсин.

8. Мазкур қарор ижросининг назорати вилоят ҳокимининг ўринбосари - Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи Р.Асадов зиммасига юклатилсин.

Бухоро вилояти ҳокими



Б.К.Зарипов